O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 22-IYUN ■ SESHANBA ■ 75 (27.250) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (бундан кейин ШҲТ ёки Ташкилот деб юритилади) аъзо давлатлар — Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари Тошкентда 2004 йил 17 июнь куни ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг мажлисида йиғилиб, қуйидагиларни баён қилишади.

I

Давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг асос солинган вақтдан бери эришган ютуқлари ва халқаро вазиятдаги ўзгаришлар Ташкилотнинг таъсис этилиши ва ривож топиши замон талабларига, олти давлат халқларининг истиқболли ва туб манфаатларига мос келиши ҳамда Ташкилот томонидан белгиланган тамойилларнинг тўғрилигидан далолат бераётганини таъкидлашади.

Давлатлар раҳбарлари 2003 йил май ойида бўлиб ўтган Москва саммитида ШҲТнинг ташкилий шаклланиш жараёнини якунлаш вазифалари муваффақиятли бажарилганини қайд этиб, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларни ижобий баҳолашади.

Давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг доимий амал қилувчи идоралари – Пекинда Котибият ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ижроия қўмитасининг ўз вақтида иш бошлаганидан қониқиш ҳосил қилишди ва уларнинг тўлақонли фаолияти учун зарур шароит яратишда Хитой ва Ўзбекистоннинг салмоқли саъй-ҳаракатларини қайд этишади.

2003 йил октябрь ойида МАТТнинг бошқарув органи — Кенгаш фаолият кўрсата бошлади. МАТТда аниқ иш режаси тузилган ва қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шундай қилиб, МАТТнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини бажариш бўйича ШҲТ доирасидаги ўзаро ҳаракатларга мунтазам ва мақсадли руҳ беришга қаратилган самарали фаолияти учун зарурий замин яратилди.

Олдинда турган вазифаларнинг сифатли ва самарали бажарилиши учун ШҲТ фаолиятини молиялаштириш механизми узлуксизлигини таъминлаш аҳамияти таъкидланди.

ШҲТни мустаҳкамлаш ва унинг иқтисодий таркибини ривожлантиришда 2003 йил сентябрда Пекинда ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) Кенгаши томонидан тасдиқланган ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда.)

21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз раҳбари ушбу Фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга — юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

Йиғилишда Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилаётгани, нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борадаги ўзгаришларни татбиқ этишга ҳалал берадиган, эски тузумдан мерос иллатлардан халос бўлиш йўллари хусусида сўз борди.

Ислом Каримов Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ишини танқидий таҳлил этиб, ушбу тузилма фаолиятининг энг муҳим вазифа ва йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

— Хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир, — деди Юртбошимиз. — Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик қуйидан — шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова, ички ишлар вазири З.Алматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро алоқалар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1992 йил 30 майдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида 1994 йил 2 мартдаги Декларация, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида 1998 йил 12 октябрдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида 1999 йил 11 декабрдаги Шартномада белгиланган ўзбек-россия муносабатларининг фундаментал принципларига риоя этиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Хельсинки Якуний акти ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг бошқа ҳужжатларининг мақсад ва принципларига содиқликларини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси халқларининг анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишини ҳисобга олиб, стратегик шерикчиликнинг Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида шартномавий-ҳуқуқий бириктирилиши барча йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишига бўлган ишончдан келиб чиқиб, қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Ўзаро хавфсизликни таъминлаш, глобал таҳдид ва даъватларга қарши ҳаракат қилиш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик шерикчилик Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларни узоқ муддатли ва ҳар томонлама ривожланишининг кучли асосини шакллантиради.

2-модда

Томонлар энг аввало олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар механизмидан фойдаланиб ҳамда уни ривожлантириб, мунтазам фикр алмашувини амалга ошириш ва икки томонлама муносабатлар масалалари, ўзаро қизиқиш уйғотувчи долзарб халқаро муаммолар бўйича позицияларни келишган ҳолда тенг ҳуқуқли стратегик шерикчиликни мустаҳкамлайдилар.

3-модда

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, унинг ихтисослаштирилган муассасаларида, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида, бошқа давлатлараро тузилмаларда ўзаро фаол ҳамжиҳатлик қиладилар. Улар халқаро процедуралар доирасида ўзларининг миллий манфаатларига таъсир этувчи масалаларни кўриб чиқилишида бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг кучли ва самарали тизимини яратишга қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштирадилар. Ушбу мақсадларда доимий асосда, шунингдек зарур ҳолларда хавфсизлик кенгашлари, ташқи ишлар вазирликлари ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар даражасидаги икки томонлама маслаҳатлашув механизмларини тузадилар.

4-модда

Томонлар ўзаро хавфсизлик манфаатлари ёки улардан бирининг хавфсизлик манфаатларига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолат юзага келган тақдирда, ўзаро келишувга мувофиқ позицияларни келишиш ва шундай ҳолатни тартибга солиш бўйича амалий чораларни мувофиқлаштириш учун тегишли маслаҳатлашув механизмини ишга соладилар.

5-модда

Томонлар бошқа Томоннинг суверенитетига, хавфсизлигига ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларни, шу жумладан, учинчи давлатлар билан шартномалар тузишни амалга оширмайдилар. Ҳеч қайси Томон ўз ҳудудининг учинчи давлатлар томонидан бошқа Томоннинг давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирган ҳолда фойдаланилишига йўл қўймайди.

6-модда

Терроризмга ва экстремизмнинг бошқа зўравон кўринишларига, оммавий қирғин қуролини тарқатишга, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланмасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликнинг янги даъват ва таҳдидларга қарши самарали ҳаракат қилиш мақсадларида Томонлар тегишли шартнома ва битимлар, шунингдек бошқа халқаро-ҳуқуқий инструментлар асосда хавфсизлик кенгашлари, ташқи сиёсий, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ва махсус хизматлар ўртасидаги шерикчилик алоқаларини қўллаб-қувватлайдилар.

(Давоми 2-бетда.)

ТОШКЕНТ САММИТИ:

ҲАМФИКРЛАР УЧРАШУВИ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши, унинг мазмун-моҳияти ва натижалари турли мамлакатларнинг сиёсий арбоблари, экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Польшанинг «Трибуна» газетаси янги халқаро ташкилотнинг салоҳиятига тўхталар экан, ШҲТ ҳақида «Болтиқ денгизидан Тинч океанигача жойлашган мамлакатларни бирлаштирган тузилма», деб хабар қилади. Газета Ўзбекистон пойтахтида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) очилишини минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги муҳим тадбирлигини эътироф этиш билан бир қаторда, Тошкент саммити ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш учун янги имкониятлар очганлигига ҳам эътибор қаратади.

Жавоҳарлал Неру номли университет Жанубий, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёни ўрганиш маркази директори, профессор К.Варикоу ШҲТ саммитини «эътиборга молик воқеа», деб атайди. «Саммитнинг Тошкентда ўтказилиши халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон нуфузли мавқега эгалигининг тан олинишидир. МАТТ ижроия қўмитасининг очилиши Ҳиндистон учун алоҳида аҳамиятга эга, зеро Осиё мамлакатлари ҳаракатлари бирлаштирилмас экан, бу балога қарши кураш оғир кечади».

Женева хавфсизлик сиёсати маркази экспертларининг фикр билдиришича, МАТТнинг терроризмга қарши турган барча минтақавий воситалар билан ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши ШҲТ фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Экспертлар, шунингдек, жиноятчи гуруҳлар қўлига оммавий қирғин қуроли ва унинг компонентлари тушиб қолишининг олдини олиш масаласининг долзарблигини алоҳида таъкидлашган. Зеро, бундай ҳолат «мегатерроризм» хавфини юзага келтириши ва уни ўрмалаб кетишига олиб келиши мумкин.

Германиянинг «Дипломатик курьер» газетаси бош муҳаррири Константин Эрлих ШҲТга аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати амалий ва сезиларли натижаларга олиб келишига ишонч билдиради. «Гап аъзо давлатлар сафида Хитой ва Россия каби қудратли мамлакатларнинг борлигида эмас. Ушбу ташкилотнинг бош устунлиги унинг асосини у ёки бу халқаро муаммога биргаликда ечим топиш ва биринчи галда — терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамжиҳат ҳаракат қилаётган ҳамфикрлар ташкил қилганлигидадир».

«Тошкент форумида Ҳамид Карзай ва у бошқараётган маҳкаманинг юқори мартабали аъзолари, жумладан, ташқи ишлар вазирининг иштирок этиши Афғонистоннинг ШҲТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратаётганидан яққол далолатдир», — дейди ушбу мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили Равон Фарҳодий. «Ҳеч шубҳа йўққи, ШҲТ минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарали механизмига айланади».

Исроил ҳукуматининг собиқ вазири, ҳозирда «Миллий бирлик» парламент фракцияси раиси Авигдор Либерман Тошкент саммитига Афғонистон ўтиш маъмурияти раҳбарини таклиф этиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаган. Зотан, барқарор тараққиёт йўлига қадам қўйган бу мамлакат минтақа ва бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга. «Бутун дунё террорчилари аллақачон халқаро террор иттифоқи бўлиб бирлашган. Бугунги кунда жаҳонда ушбу офатга қарши курашда ўзаро бирлашиш жараёни кузатилмоқда ва бу борада қўшни давлатлар билан бир қаторда Россия ва Хитой билан ҳам амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланаётган Ўзбекистоннинг ўрни салмоқлидир», деб таъкидлаган у.

Тожикистон президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари С.Сафаровнинг фикрича, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилиши ШҲТ мақсадларини амалга ошириш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлар босқичини бошлаб беради. Тожикистонлик мутахассис ШҲТ котибиятининг Пекиндаги ва МАТТнинг Тошкентдаги доимий фаолияти «мазкур ташкилот ўз олдига қўйган барча вазифаларнинг тезкор ва амалий ечимларини топиш» учун катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Кўпчилик журналистлар саммит ишининг мукаммал ташкил этилгани билан бир қаторда уни ёритишда иштирок этган журналистлар учун қулай шароитлар яратилганини эътироф этишмоқда.

— ШҲТнинг Тошкент саммити нафақат президентлар, балки журналистлар учун ҳам юксак даражада ташкил этилди, — деди анжуман матбуот марказига ташриф буюрган Хитойнинг «Ориент монинг пост» газетаси мухбири Юнг Ичен. — Биз мамлакатингизнинг иқтисодиёт соҳасидаги ютуқларининг бевосита шоҳиди бўлиш, Ўзбекистон пойтахтининг тарихий ва маданий масканлари билан танишиш имкониятидан беҳад мамнунмиз. Ишончим комилки, ушбу саммитдан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланади.

«Жаҳон» АА



Ватан ҳимояси — олий шараф



БИТИРУВ ИМТИҲОНЛАРИ, БИТИРУВ ТАНТАНАЛАРИ...

БУ ОНЛАР МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН ЁШЛАР ХОТИРАСИДА БИР УМР САҚЛАНАДИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирни унинг қатнашчилари ва меҳмонлар узоқ вақт эслаб юришлари табиий. Негаки, бу галги тантана бошқаларига ўхшамайди. Эгнидаги ҳарбий кийими ўзига ярашган йигитлар бугун ҳақиқий Ватан ҳимоячилари бўлиб етишди. Бу йил Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги махсус алоқа факультетини юздан зиёд офицерлар битиришди. Улар энди Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилишади.

Мазкур университетнинг махсус алоқа факультетида ўн бир йилдирки, етук офицер кадрлар тайёрланяпти. Уларнинг зиммасидаги масъулият ниҳоят катта. Чунки, ҳозирги замон ахборот даврида тезкор алоқа қилгангина ютади.Шу ўринда мамлакатимизда бугунги кун талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилаётганини айтиб ўтмоқ жоиз.

Офицерлар нафақат командир, балки, сержант ва аскарларнинг устози, энг яқин маслаҳатчисидир. Демак, офицерлар миллий армиямиз таянчи.

Битирув тантаналари эса ҳақиқий байрамга айланди. Беш йиллик ўқиш-ўрганиш, машқ майдонларидаги синовлар ортда қолди. Бугун улар етуклик дипломини олар эканлар, Мудофаа вазирлиги, университет раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналарини яна бир бор юртимиз осойишталигини сақлаш ва давлатимиз дахлсизлиги йўлида бутун кучларини сарфлаяжакларига ишонтирди.

Ўзбекистонимизнинг ўктам ўғлонлари — офицерлар бизнинг қалқонларимиз. Уларни энди ҳарбийликнинг машаққатли синовлари кутмоқда. Ана шу синовларда уларга омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)



Александр МРУЧАК олган суратлар

ТОШКЕНТ ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА

битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ёш офицерларни Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати Абдулла Орипов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Холмуҳаммад Зокиров, билим юрти бошлиғи генерал-майор Шуҳрат Ниёзов қизғин қутладилар.

Тадбир охирида битирувчилар шарафига катта концерт намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Лицензия № 25

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Лицензия № 000005

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Лицензия № 0009637

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Лицензия № 49

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳужжатда нафақат олти мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлиги мақсад ва вазифаларининг умумий тушунчаси аниқлаб берилган, балки уларни амалга ошириш йўллари ва услублари ҳам белгиланган.

Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши фаол иш юритаяпти. Халқаро ҳаётнинг долзарб масалалари бўйича олти мамлакат нуқтаи назарини мослаштиришда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги Ҳамкорлик ва фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисидаги протокол муҳим аҳамият касб этиши керак.

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашди.

Давлатлар раҳбарлари янги шароитда Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ШҲТ Котибиятига суянган ҳолда нафақат Ташкилотнинг уйғун фаолиятини таъминлашга, балки ШҲТни янада ривожлантиришда янги мукаммал муносабатларни ишлаб чиқишга эътибор қаратиши зарурлигини таъкидлашди.

ШҲТ шаклланиш босқичидаёқ, очиқлик тамойилига амал қилган ҳолда, нуфузли ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида халқаро муносабатларга қўшилди. ШҲТ бундан кейин ҳам ана шундай йўл тутади. ШҲТнинг бошқа халқаро бирлашмалар ва давлатлар билан, уларнинг географик жойлашувидан қатъий назар, алоқалар ўрнатиши ва кенгайтиришида Тошкентда тасдиқланган ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом муҳим қадам бўлди. ШҲТ Хартиясида белгиланган Ташкилот халқаро ҳамкорлигининг бошқа кўринишларини мувофиқлаштирувчи ҳужжатлар бўйича иш давом эттирилади.

II

Институцион шаклланиш даври якунлангач, ШҲТ аъзо давлатларнинг Ташкилот доирасидаги кенг қамровли ҳамкорлигини ривожлантириш босқичига қадам қўйди. Давлатлар раҳбарлари ШҲТ Хартиясида белгиланган барча йўналишлар бўйича илдам ҳаракатларни изчил тартибга солиш тарафдоридир. Айни пайтда ўзаро саъй-ҳаракатлар узоқ муддатли мақсадлар баробарида қисқа истиқболдаги устувор вазифаларга йўналтирилиши зарур. Бу ҳамкорликдан кўзланган мақсад олти мамлакатнинг ўзига хослиги ва суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида бирлаштирувчи манфаатларни ҳамжиҳатликда белгилашдир.

Тошкентда имзоланган Гиёҳванд моддалар, психотроп ашёлар ва улар прекурсорларининг ноқонуний савдосига қарши кураш тўғрисидаги шартнома ШҲТ доирасида трансмиллий таҳдидлар ва хуружларга қаршилик кўрсатишда муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат раҳбарлари мазкур Шартноманинг ижроси хавфсизлик Кенгашлари котибларининг ўзаро ишончли кафолатидир.

Шу боис давлатлар раҳбарлари ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) Кенгашининг 2004 йил кузида Бишкекда бўлиб ўтадиган йиғилишига қадар юқорида зикр этилган кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш юзасидан тадбирлар режасини ўзаро мувофиқлаштиришни якунлаш ҳамда ташкил этилган тўртта мутахассислар гуруҳининг тўлақонли фаолият бошлаши зарурлигини қайд этадилар. Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шаклларига ўтишга, мамлакатларимиз ўртасида савдо айирбошлашнинг ўсишига, норматив-ҳуқуқий асосларнинг уйғунлашувига, маҳсулотлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракати учун қулай шароитлар яратишга имкон берадиган изчил саъй-ҳаракатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

Давлатлар раҳбарлари ШҲТ доирасидаги интеграцион жараёнларга туртки бериш мақсадида қабул қилинган ва режалаштирилаётган чора-тадбирлардан ташқари ШҲТ Тараққиёт жамғармаси ва ШҲТ ишбилармонлар Кенгашига асос солишга киришиш фурсати етди, деб ҳисоблайдилар ва ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатларни имкони қадар қисқа муддатда тайёрлашни ШҲТ Котибияти зиммасига юклайдилар.

Умуман, Москва саммитидан сўнг ўтган давр мобайнида турли соҳалардаги ҳамкорлик ривожини ижобий баҳолаган ҳолда давлат раҳбарлари ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти, транспорт, мудофаа, маданият, фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатишга масъул вазирликлар ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг бошқа тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳамжиҳатлиги ва самарадорлигини таъминлаш заруратига эътибор қаратадилар. Бунда вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Кенгаши институтининг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорликнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тез фурсатда якунлаш ҳамда эришилган келишувларни ўз вақтида бажариш алоҳида аҳамиятга эга.

Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик ривожи кун тартибига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларини киритиш зарур. Тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда илмий муассасалар келгуси йилдаёқ ШҲТнинг бу соҳалардаги стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ишларни бошлашлари мумкин.

III

Давлатлар раҳбарлари блок ташкилоти бўлмаган ҳамда тенг ҳуқуқли шериклик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиқлик тамойилларига асосланган ШҲТнинг собитқадам ривожи ва мустаҳкамланиши халқаро тараққиётнинг устувор тамойилларига жавоб беришига, халқаро мулоқот доираларининг кенгайишига хизмат қилишига ишончлари комил.

ШҲТ глобал ва минтақавий барқарорликка хавф солаётган янги таҳдидлар ва хуружларга қарши курашда халқаро саъй-ҳаракатларни жипслаштиришга қодир янги хавфсизлик архитектурасини мукаммал шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр. Шу мақсадда ШҲТ бошқа давлатлар ва халқаро тузилмалар, авваламбор, БМТ билан ҳамкорлик қилади, нафақат ШҲТ маконида, балки бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Давлатлар раҳбарлари терроризм ва экстремизмнинг янги шиддатли фаоллашуви муносабати билан катта ташвиш билдирадилар. Террорчилар турли мамлакатлар ва дунё минтақаларини нишонга олмоқдалар. Терроризм вазиятга тез мослашмоқда, замонавий техника воситаларини қўлламоқда, ечими топилмаган ҳар қандай низолардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга тайёр.

Глобал терроризм таҳдидига қарши минтақа, субминтақа ва миллий тизимларга таянган марказий ядро сифатида БМТ билан ҳамкорликдаги глобал аксилҳаракатлар тизими қўйилиши лозим. Шу билан бирга террорчиларнинг амалиётларига нафақат муносиб жавоб бериш, балки уларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар муҳимдир.

ШҲТга аъзо давлатлар терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашнинг самарасини ошириш мақсадида хавфсизлик соҳасида ҳамда умумий манфаатлар ҳимояси йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлайверадилар. Давлатлар раҳбарлари бу таҳдидларга қарши курашда мувофиқлаштириш ишини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари ва махсус хизматлар иштирокидаги аксилтеррор машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари хоҳ халқаро терроризм ёки минтақавий низолар ва зиддиятлар сингари замонанинг мураккаб хуружларига халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига риоя қилган ҳолда давлатларни турли тоифаларга ажратмасдан кўп томонлама ва кооперативлик асосида жавоблар топишлари мумкин ва шарт, деб ҳисоблайдилар. Глобаллашув шароитида фақат шундай муносабатгина халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. ШҲТ ўз фаолиятида ана шу тамойилларга қатъий амал қилишга интилади ҳамда барча давлатлар ва кўп томонлама бирлашмалар билан ана шу концептуал асосда фаол ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

ШҲТ ўзининг қўшнилари ва дунёнинг бошқа мамлакатлари билан уйғунликда ҳаёт кечираётган, тинч, осойишта ва фаровон Афғонистонни тиклашдан манфаатдорлигини билдирган ҳолда, мамлакатда кенг вакиллиқдан иборат ҳукумат шаклланаётганини олқишлайди.

ШҲТга аъзо давлатлар бу мамлакатда халқаро дастурларни амалга оширишда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини эътироф этиб, хавфсизлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш мақсадида терроризм, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича зарур шароитларни ташкил этишга ҳаракат қиладилар.

IV

Давлатлар раҳбарлари Осиётинч океани минтақасидаги барча минтақавий бирлашмаларнинг конструктив ҳамкорлиги, шубҳасиз минтақада жойлашган барча мамлакатларнинг тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик учун аниқ аҳамиятга эга эканини таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари Осиётинч океани минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва форумларга мурожаат этиб, улар ўртасида тегишли битимлар тузиш, жумладан, ўзаро бир-бирларига кузатувчи мақомини бериш орқали кўп томонлама бирлашмаларнинг босқичма-босқич шериклик тармоғини ташкил этишга киришиш таклифини киритдилар.

Давлатлар раҳбарлари бу таклифнинг амалга оширилиши барча иштирокчиларнинг тенг даражада манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги БМТ низоми ва халқаро ҳуқуқ доирасида Осиё-тинч океани минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликнинг кооператив тизимини шакллантиришга кўмаклашган бўлар эди, деб ҳисоблайдилар.

Н.НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти
Ху ЦЗИНЬТАО,
Хитой Халқ Республикаси Раиси
А.АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти
В.ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти
Э.РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

7-модда

Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни тегишли битимлар асосида амалга оширадилар. Ушбу ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

— Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига ҳарбий мақсаддаги маҳсулотларни етказиб бериш;

— Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ҳарбий техникани, бунга ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаводан мудофаа воситалари ҳам киради, соғлом ҳолатда сақлаш ва модернизациялаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида мавжуд саноат-техника базасидан фойдаланган ҳолда;

— Россия Федерациясининг ҳарбий ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун зобит кадрларни тайёрлаш;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Қуролли кучларининг ҳарбий тайёргарлиги қўшма тадбирларини ўтказиш, шунингдек ушбу мавзудаги Томонлар ўтказадиган тадбирларда қатнашиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган инфратузилмадан фойдаланган ҳолда Ер ва космик фазони тадқиқ этиш давлатлараро космик дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик.

Икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик жараёнида яратилган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар тўғрисидаги масала тегишли ҳукуматлараро битим тузиш орқали тартибга солинади.

8-модда

Хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш мақсадларида Томонлар зарур ҳолларда бир-бирларига алоҳида битимлар асосида ўзларининг ҳудудларида жойлашган ҳарбий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадилар.

9-модда

Томонлар қуйидаги соҳалардаги интеграция ва ҳамкорликни жадал ривожлантириш мақсадида савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида келишилган саъй-ҳаракатларни бажариш мажбуриятини оладилар:

— ёнилғи-энергетика комплекси;

— авиа қурилиш;

— транспорт ва коммуникация;

— банк соҳаси;

— энергетика;

— атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш.

10-модда

Томонлар ўзаролик асосида бир-бирларига ўз ҳудудларидаги инвестициявий ва хусусийлаштириш лойиҳаларида иштирок этиш учун максимал қулай шароитлар яратадилар.

11-модда

Томонлар икки томонлама ва кўп томонлама асосда Марказий Осиё минтақасида-ги интеграцион жараёнлар доирасида иқтисодий, гуманитар ва бошқа лойиҳа ҳамда дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик қиладилар.

12-модда

Томонлар илмий, маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқа ва алмашувларни ўрнатиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кўрсатиб ўтилган йўналишларда қўшма дастур ва тадбирларни амалга ошириш орқали гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Томонлар миллий таълим ва фан тизимларининг яқинлашувини ҳар томонлама рағбатлантирадилар. Улар ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, академик ҳамда амалий характерга эга бўлган қўшма тадқиқотларни амалга оширишга кўмаклашадилар.

Томонлар профессионал кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратадилар. Улар олим ва мутахассислар, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчи таркиби вакиллари, аспирантлар, стажер ва талабаларнинг мунтазам алмашувини амалга оширадилар.

Томонлар гуманитар соҳада ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

13-модда

Ушбу Шартнома учинчи мамлакатларга қарши қаратилмаган ва Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

14-модда

Ушбу Шартнома унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг Томонлар бажаргани тўғрисида охирги ёзма хабар олинган кундан бошлаб кучга киради.

15-модда

Ушбу Шартнома муддатсиз характерга эга ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабар қилмагунга қадар амал қилишдан тўхтамайди. Бу ҳолда, Шартнома бошқа Томон шундай хабарномани олган санадан бошлаб ўн икки ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

Тошкент шаҳрида, 2004 йил 16 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Россия Федерацияси номидан
Россия Федерацияси Президенти В. ПУТИН

КЎРГАЗМА-ТАНЛОВ ИШ БОШЛАДИ

Тошкентнинг «Ўзкўргазмасавдо» марказида мактаб мебеллари, ўқув қуроллари ва лаборатория учун жиҳозлар кўргазмаси фаолият бошлади. Улар маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган.

Юртбошимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш бўйича тажриба асосида мактаблар учун парта, мебель ва бошқа ўқув ускуналари танлови эълон қилиш ва кўргазмасини ташкил этиш зарурлиги таъкидланган.

Мазкур вазифани бажариш юзасидан Иқтисодиёт ва Халқ таълими вазирликлари бирга иш олиб боряпти.

Мазкур кўргазма-танлов 30 июнгача давом этади. Унда маҳсулотлар стандарт талаблари, таълим муассасаларида фойдаланиш борасида белгиланган меъёрларга жавоб беришни чуқур ўрганиш мақсадида тажрибали мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади.

Ёрбек ИСКАНДАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етди. Туманларда конференциялар давом этяпти. Партия аъзолари ташкилотнинг ўтган ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо бераётган, ўз-ўзидан етакчилари фаолиятини ҳам таҳлил қилдирмоқда. Зеро, қайси соҳада бўлмасин, жамоанинг ғояси, интилиши, куч-қувватини қўллаб-қувватлаб юзага чиқаришга имкон яратадиган — етакчилар, раҳбарлардир. Партия аъзолари ўз етакчиларидан нималарни кутишяпти? Уларда қандай фазилатларни кўришни истайдилар? Қорақалпоғистонлик бир гуруҳ фаоллар билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

Алписбай ИБОДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби, «Қарақалпақстан хабарлары» газетаси бош муҳаррири:

— Бугунги мураккаб шароитда партия етакчиларидан тадбиркорлик талаб қилинади. Бу барча билан муомалада «хўп», «лаббай» деб юриш дегани эмас, аксинча, ҳар қандай вазиятдан ақл-заковат билан чиқа билиш дегани. Бунинг учун сиёсий, ҳуқуқий билим, ҳаётий тажриба, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиш, юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг туб маъносига тушуниш, партия ҳужжатларини доимий равишда ўрганиб бориш, оммавий ахборот воситалари материаллари билан вақтида танишиш, кўпчиликни орқасидан эргаштириш қобилиятига эга бўлиш зарур.

Бундай қобилият инсонда осонликча шаклланмайди ва мустаҳкамланмайди. Агар, партиянинг мақсади ҳокимият учун курашиш бўлса, халқнинг эътиборига тушмай, бунинг уддасидан чиқиш амри маҳол.

Жамиятда халқ манфаатларидан устунроқ вазифа бўлиши мумкин эмас. Бу вазифани бажаришдан масъулиятлироқ иш ҳам йўқ. Худди шу масъулият жамиятда сиёсий партиялар зиммасига юкланган. Ушбулардан келиб чиқиб, бу ташкилотнинг етакчисига саноқли услублар камлик қилади, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кун партия етакчилари учун жамоа билан ишлашнинг замонавий, универсал, хилма-хил услубларини эгаллаш, амалиётда қўллаш зарурати туғилмоқда. Кучли етакчи бўлиш учун сиёсатчи, сўз устаси, ташкилотчи бўлиш шарт.

Партия етакчисига ташкилотни бугунги кун талабига мос йўналтириш учун унга ХДПдан сайланган депутатларни жалб қилиш, ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилиши талаб этилади.

Тегишли ҳудуддаги аҳолининг муаммолари партия етакчисининг эътиборида бўлиши, унинг ечилишига раҳбарларнинг, мутасадди ташкилотларнинг, ёки жамоатчиликнинг эътиборини қаратиб ҳал қилиш зарур.

Султон АБДУРАЗЗОҚОВ, «Қорақалпоқпочта» ҳиссадорлик жамияти Тўрткўл тумани бўлими бошлиғи ўринбосари, БПТ котиби:

— Менинг ЎзХДП аъзоси эканлигимни фақат туман кенгаши ва ўзим ишлаётган ташкилотдагиларгина эмас, маҳаллада ҳам билишларини ва шу орқали партиямизга эътибор қаратишларини истайман. Бунинг учун турмушдаги энг оддий ҳолатлардан ҳам фойдаланаман. Айтайлик, эшигим олдидаги дарахтлар, гулларни кўриб бир қўшним ҳавасини яширмайди. Дарахтларга қандай шакл бериш лозимлиги, гуллар хили ҳақида гапира туриб, партиямизнинг Оролбўйида экологик офат оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида ҳам гап қистириб ўтаман. Бу борада оддий одамлар қилиши лозим бўлган ишлар, жумладан, атрофни кўкаламзорлаштириш, озода сақлаш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш каби масалалар ҳақида гапираман. «Партиянгиз экология масалалари билан ҳам шуғулланар экан-да», — ҳамсуҳбатимнинг қизиқиши ортади. «ЎзХДП сиз-у бизнинг фаровон ҳаётимизга алоқадор барча масалалар билан шуғулланади» деб тушунтираман соддагина қилиб. Ўша кўшним эшиги олдида бир неча туп дарахт ўтқазиш фикри ва мен аъзо бўлган партияга ҳурмат ҳисси билан кетсагина, кўнглим хотиржам бўлади.

Бевосита хизмат вазифам билан алоқадор муаммо — даврий матбуотга обуна масаласи ўйлантиради. Ҳар бит-та партия аъзоси, барча партия нашрларига, умуман, матбуот нашрларига обуна бўлиш имконига эга эмас, чўнтак кўтармайди. Бошланғич ташкилотимизда бир неча кишининг биргалашиб битта нашрга обуна бўлишини ташкил қилдик. Бошқаларга ҳам шуни маслаҳат берардик. Вақтли матбуотни доим ўқиб-ўрганиш, ўз устида тинмай ишлаш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий онгни ўстиришнинг энг осон ва энг қулай йўли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Шундай интилишлари ва фазилатлари бўлмаган одам қандай қилиб етакчи бўлиши мумкин?!

Мухтор ХОЛМУРОДОВ, Тўрткўл шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори муовини:

— Биласизми, кўпинча одамлар ўз муаммоларини ҳал қилган кишиларга эътибор қаратишади. Муаммолар маблағга бориб тақалади. Аммо ёрдам беришнинг бошқача турлари ҳам бор — бировга бир оғиз йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш кифоя, кимгадир ҳақ-ҳуқуқини тушунтириб қўйсанг, бас. Хуллас, инсоний кўмак учун маблағ талаб қилинмайдиган ҳолатлар ҳам бўлади.

Коллежимиздаги меҳр-мурувват гуруҳи партиямизга аъзо ёшлар ташаббуси билан тузилди. Гуруҳ аъзолари машғулотлардан бўш пайтларида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга ёрдам беришади. Бу ишни фақат ўша кўмакка муҳтож кишиларга эмас, энг аввало, ёшларимизнинг ўзига ёрдам деб тушунаман — улар меҳр-оқибатнинг нима эканлигини, унинг натижасидан қанча кўнгиллар кўтарилиб, миннатдор бўлишини ўз кўзлари билан кўрадилар. Мингта қуруқ насиҳатдан биттагина амалий иш яхши эканлигини англаб етадилар...

Хадича ИБОДУЛЛАЕВА, Тўрткўл туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ЎзХДП туман Кенгаши ижроия бюроси аъзоси:

— Ҳисобот-сайлов йиғилишлари якунланди. 65 та бошланғич партия ташкилотимиздан бештасида янги котиб сайланди. Демак, кўпчилик ташкилотларда партия аъзолари котибнинг ўтган даврдаги фаолиятидан қониққан. Одамлар ишончига сазовор бўлган, кўп йиллик тажрибага эга бундай етакчилар — бизнинг асосий кучимиз, десак муболаға бўлмайди. Энг фаол аъзоларимиздан бири Бахтиёр Қозоқов. У 1991 йил — партиямиз ташкил топганидан буён марказий шифохона бошланғич партия ташкилоти котиби. Бу сафар ҳам уни қайта сайлашди. У ўзининг бир хислати — талабчанлиги билан партия аъзоларининг доимий ишончига сазовор бўлган. Аммо талабчанлик меҳр-мурувват билан доимий ҳамроҳ бўлиши кераклигини Бахтиёр ака доимо ёдида тутади.

Партия аъзолари ўз етакчиларидан кўпроқ фаолликни, партия йўналишини кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилишни, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларни ҳал қилиш учун курашишни талаб қиляпти. Биз ногиронлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, байрамларда уларни йўқлаш учун баҳоли қудрат маблағ топаяпмиз. Кўп ҳолларда одамлар билан суҳбатлашиб, у ёки бу масалада фикрларимизни билдираяпмиз. Масалан, олдингга иш топиб беришни сўраб келган аёлнинг қўлида гулдек ҳунари борлигини билиб, кичик ателье ташкил қилишда кўмаклашиш ёки уйида ўтириб кўрпа қавишга буюртма олиши мумкинлиги ҳақида маслаҳат бериш мумкин. Ёки бўлмаса партиямизга аъзо бўлган 60 фермерга ўз фаолиятида иложи борича, одамларни иш билан таъминлашга кўпроқ эътибор қаратишни сўраш ва бу борада уларга кўмак бериш ҳам осон. Биз бу каби ишларни амалга ошираётганимиздан хурсандмиз.

Айрим маҳаллий, майда муаммолар олдида ҳам довдираб қоладиган ишбилармонни кўрсам ачиниб кетаман. Ахир бу одам ўзини ҳимоя қиладиган қонунлар борлигини билиши керак эди-ку? Орамизда сайловлар пайтида «менинг вазифам паспортимни олиб, овоз бериш участкасига бориш, «сайлов қоғози»даги битта фамилияни қолдириб, қолганининг устидан чизиб, қутига ташлаш» деб ўйлайдиган сайловчилар йўқлигига кафолат бера оласизми? Уларга эртанги куни, ҳаёти учун керакли бўлган қонунларни қабул қилишда худди шу «чизилмай қолган» номзод қатнашишини, шунинг учун энг муносиб кишини танлаш лозимлиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни биз партия фаоллари тушунтирмасак ким тушунтиради... Мана, партия етакчиси асосий эътиборини нимага қаратиши керак...

...Партия етакчиси қандай бўлиши керак? Бу савол атрофида қизғин баҳс-мунозара юритилса, фойдадан холи бўлмайди, албатта. Шу боис, партиядошларимиз, газетхонларимиз бу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Истанбул Саммити олдидан

ТИНЧЛИККА ҚАЛҚОН БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

(НАТО ҚАРОРГОҲИДАГИ СУҲБАТЛАРДАН ОЛИНГАН ТААССУРОТЛАР)

Биз НАТО ҳақида минг марта эшитганмиз. Совет даврида унга дунё жандарми тамғаси босилганлигини ҳам биламиз. Бу ҳарбийлашган ўта маҳфий шундай ташкилотки, унинг ҳудудига пихини ёрган жосус тугул, пашша ҳам учиб киролмайди, дейишарди ўшанда. Ҳозир эса НАТОни тинчлик, хавфсизлик ва демократик тараққиёт қалқони дейишади. Илгари НАТОга зўравонлик тимсоли деб таъриф берганларнинг ўзлари бугун бу ташкилот билан тинчлик йўлида шериклик қилмоқдалар. Буни қаранг, сиёсат ўзгарса таърифу тавсиф ҳам ўзгарар экан. Ўша бир пайтлар «дунё жандарми» бўлган ташкилот билан ҳозир собиқ совет мустамлакаси бўлган республикалардан 3 таси тўлақонли аъзо сифатида ва 12 таси шериклик асосида ҳамкорлик қилмоқда.

Яқинда биз ана шу «ўта маҳфий» ташкилотнинг Брюсселдаги Бош қароргоҳида ҳамда шаҳар ташқарисидаги Халқаро ҳарбий штабида бўлдик. Минг бора эшитгандан бир марта кўрганга не етсин!


Бош қароргоҳда НАТОнинг сиёсат арбоблари, ҳарбий мутахассислари, хизматчилари ҳамда Ҳарбий штабда НАТОнинг генераллари, полковниклари, бошқа зобитлари биз, яъни ўз вақтида собиқ совет тарғиботи-ташвиқоти таъсирида ўсган ўзбек журналистлари билан эркин ва очиқ мулоқотлар ўтказдилар. Улар бизда НАТО ҳақида янгича тасаввур пайдо қилишга зўр бериб интилишар экан, савол-жавоблар, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашувлар жараёнидаёқ биз аллақачон шўро уйдирмасини унутиб, мустақиллик юояси билан яшаётганлигимизга ҳамда биз нафақат НАТОни, балки бутун дунёни, сиёсатни, давлатлар, халқлар ва ҳарбийлар ўртасидаги муносабатларни энди бошқача тасаввур қилаётганимизни англаб етишди. Бундай ҳолат, сўзсиз, мулоқот пайтида бир-биримизни яхши тушунишимизга хизмат қилди. НАТОчилар ўз сўзлари билан бизга кўп нарсаларни тушунтирмоқчи, уқтирмоқчи бўлишди, биз ҳам уларни саволларимиз, фикрларимиз билан синаб кўрдик. Саволлар ёмғиридан тинкаси қуриган НАТО зобитларидан бири ҳатто, «Уҳ, журналистлар билан суҳбатлашиш қийин-да!» деб юборди.

Биз бугунги НАТОни ҳеч қандай сиёсий-мафкуравий бўёқларсиз тақдим этмоқчимиз. Бизнинг ҳикоямиз НАТО ҳақида ҳали ҳам эскича тасаввурда юрган ва бу халқаро нуфузли ташкилотнинг ҳозирги пайтдаги дунё саҳнасида тутган мавқеи, аҳамияти ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўлмаган минглаб фуқароларимиз учун холис манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

РАҚОБАТНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА РАҚИБНИНГ ИНҚИРОЗИ

Хўш, нега Шимолий Атлантика иттифоқи, яъни НАТО ташкил этилди? Бир гуруҳ давлатларни бундай ташкилот тузишга нима мажбур қилди? Бу саволларга жавоб шуки, ўша пайтдаги вазият шундай қарор қабул қилишни тақозо этарди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий Европа собиқ Совет Иттифоқининг ҳукмронлиги остида қолди. Натижада «совуқ уруш» сиёсати туфайли Шарқий Европа Ғарбий Европадан ажраб қолди. Икки ўртада сиёсий-мафкуравий кураш бошланди. Шарқий Европада ўрнатилган тартибнинг ҳамда коммунистик ғоя ҳукмронлигининг Ғарбий Европага ҳам тарқалиш хавфи пайдо бўлди.

Томонлар ўртасидаги қарамақаршилик 1947-1948 йилларда жуда кучайиб кетди. АҚШ президенти Г.Трумэн бошқаларга бўйсунишни хоҳламаган эркин халқларни қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқди. АҚШ давлат котиби Жорж Маршалл Европани қайта тиклаш режасини эълон қилди. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Эрнест Бевин эса қандайдир



шаклда ғарб давлатлари иттифоқини тузиш таклифи билан чиқди.

Бу таклиф ва ташаббуслардан кейин амалий ишларга қадам қўйилди. Яъни, Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар вазирлари иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамкорлик ҳамда ўзларини биргаликда мудофаа қилиш тўғрисидаги Брюссел шартномасига имзо чекишди. Сўнгра Вашингтонда АҚШ, Канада ва Брюссел шартномаси қатнашчилари Шимолий Атлантика Шартномаси тўғрисида музокара олиб боришади. Орадан уч-тўрт ой ўтиб, бу музокарага Дания, Исландия, Италия, Норвегия, Португалия таклиф этилади. Музокара муваффаққиятли якунланади ва 1949 йил 4 апрель куни Вашингтонда Бельгия, Буюк Британия, Дания, Исландия, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, АҚШ ва Франция давлатлари ҳукуматлари Шимолий Атлантика Шартномасига имзо чекадилар. Бу давлатлар ҳарбий агрессия юз берган ёки бошқа хавф-хатар туғилган тақдирда бир-бирларини биргаликда ҳимоя қилиш тўғрисида мажбурият олдилар. Шимолий Америка билан Ғарбий Европанинг бундай мустаҳкам иттифоқи СССРнинг Ғарбий Европага ҳарбий ва бошқа ҳар қандай босим ўтказиш режасини чиппакка чиқарди.

Жаҳонда вазиятнинг ўзгаришига қараб Шимолий Атлантика иттифоқининг сафи кенгайиб борди. Унга 1952 йилда Туркия билан Греция, 1955 йилда эса Германия Федератив Республикаси аъзо бўлди. Испания бу ҳарбий-сиёсий иттифоққа 1982 йилда кирди.

Шимолий Атлантика иттифоқининг кенгайиб ва кучайиб боришидан СССР ва унинг ҳарбий-сиёсий ҳамда мафкуравий таъсири остидаги давлатлар талвасага тушиб қолишди. Шунинг учун улар 1955 йилда Варшавада ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва шартномаси таркибида қолса-да, ўзининг мустақил хатти-ҳаракатлари билан собиқ СССР ўрнатган тартиб-интизомни мунтазам бузиб турди. Шунга қарамасдан Варшава шартномаси Шарқий Европада НАТОга қарши ҳарбий-сиёсий куч сифатида намоён бўлди ва «совуқ уруш» даврининг ҳарбий-мафкуравий қуролига айланди. Бироқ совет қўшинларининг дастлаб Венгрияга, сўнгра Чехословакияга бостириб кириши Варшава шартномаси бирлигига путур етказди. Саксонинчи йилларда бу иттифоқ таркибида парокандалик бошланди ва НАТО учун жиддий хавф туғдирадиган рақиб бўлмай қолди. 90-йиллар бошида Варшава шартномаси расмий равишда тарқаб кетди. СССРнинг парчаланиши натижасида эса Ғарбий Европага нисбатан олиб борилган мафкуравий тарғибот ҳам сўнди. НАТО аъзоларига хавф туғдирадиган ҳарбий-сиёсий куч қолмади гўё.

Ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин: энди НАТОнинг нима кераги бор, уни тарқатиб юборса бўлмайдими? Варшава шартномаси тарқаб кетганидан кейин бу саволлар кўплаб муҳокама-ю мунозараларга сабаб бўлди. Аниқ жавоб топилди: НАТОнинг мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш, фаолият доирасини кенгайтириш, жумладан, ундан тинчлик ўрнатиш, хавфсизликни таъминлаш, демократияни мустаҳкамлаш, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин ва зарур, деган хулосага келинди. Шунга кўра, НАТО фаолиятининг янги йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди, дастурлар белгиланди ҳамда тизимлар яратилди. Бу жараён ўтган 10 йилликни ўз ичига олди. Ана шу изчил ўзгариш, янгиланиш жараёнида НАТОнинг сафи собиқ Варшава шартномасига кирган ҳамда собиқ СССР билан Югославияга мустамлака бўлган мамлакатлар ҳисобига кенгайиб бораяпти. Жумладан, бундан бир неча йил олдин Чехия Республикаси, Польша ва Венгрия НАТОга қабул қилинган бўлса, яқинда Болгария, Эстония, Латвия, Литва, Руминия, Словакия, Словения шундай юксак ишонч ва шарафга муяссар бўлди. Ҳозир НАТОга 26 та давлат аъзо. Уларнинг сафи яна кенгаядими-йўқми, бу масала Истанбул саммитида кўрилади. Ариза бериб, эшик қоқиб унга кириш ниятида юрган давлатлар бор. Бироқ бу бироз мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён.

ҲИССА ҲАР ХИЛ, МАҚСАД БИР

Бугунги НАТОнинг фаолият доираси кенг. Энг асосийси ҳамон ўша Вашингтонда имзоланган шартномада белгилаб берилганидек, аввало, ташкилотга аъзо барча давлатлар тинчлиги ва хавфсизлигини сиёсий ҳамда ҳарбий воситалар билан таъминлашни кафолатлашдан иборат. Шунингдек, бу ташкилот Европа ҳамда Шимолий Америка мамлакатлари учун хавфсизлик масалаларида маслаҳатлашиладиган форум, минтақада тинчлик ва барқарорлик таянчи бўлиб хизмат қилади. 90-йиллардан эътиборан, НАТО ўзининг янги вазифаларини бажаришга киришди. Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдаги тараққиётнинг демократик йўлини танлаган давлатлар билан хавфсизлик борасида шериклик муносабатларини ўрнатиш билан боғлиқ фаолият ана шу вазифаларнинг орасида энг муҳимидир. Бу борада НАТО ўз зиммасига қўшимча мажбуриятлар олди. Биз бу масалага мақола сўнггида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

НАТО Россия, Украина ва бошқа ўз таркибига кирмайдиган айрим давлатлар билан алоҳида муносабат ўрнатган. Халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши ҳозир жаҳонда тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солиб турибди. Бу хавф НАТОни бефарқ қолдираётгани йўқ. Бу ташкилот турли мозаролар ва низоларни бартараф этишда ҳам қатнашмоқда. Ҳозир НАТО Афғонистонда, Босния ва Герцеговинада ҳамда Косовода тинчликни сақлаб туриш учун мураккаб амалиётларни амалга оширмоқда. Македонияда сиёсий инқироз юз берганида вазиятни қўлга олди ва барқарорликни муваффақиятли равишда таъминлаб турди. НАТО хавфсизликни таъминлаш масаласида Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, БМТ, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар билан муносабатлар ўрнатган.

Агар сиз, НАТО аъзолари бўлган давлатларнинг катта-кичиклигига, куч-қудратига, имкониятларига эътибор берсангиз, улар бир-бирларидан тубдан фарқ қилишларини кўрасиз. Айтайлик, Бельгияни АҚШ билан, Люксембургни Германия билан қиёслаб бўлмайди: ўртадаги фарқ ер билан осмонча. Исландиянинг ҳарбий бўлинмаси йўқ. Эстония эса исковуч итлари билан ҳисса қўшар экан. Маблағ масаласида ҳам биров ботмонлаб, биров эса мисқоллаб ҳисса қўшади. Шунга қарамасдан қарор келишув ва тенглик асосида қабул қилинади. Ҳар қандай масала узоқ вақт давом этадиган маслаҳатлашувлар ва мунозаралар асосида муҳокама қилинади. Овоз беришда якдиллик таъминланиши шарт. Шунинг учун ҳар бир аъзо давлат қабул қилинган қарорни бажаришга мажбур.

Шимолий Атлантика Кенгаши ташкилотнинг олий раҳбарлик органи ҳисобланади. Унда ҳар бир аъзо давлатнинг вакили элчи даражасида ваколатга эга. Вакиллар ўз мамлакатларининг дипломатлари ва ҳарбий маслаҳатчиларига таяниб фаолият кўрсатадилар. Кенгаш ҳафтасига бир марта мажлис ўтказади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари, баъзан давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари даражасида ҳам мажлислар ўтказиб турилади. НАТО Бош котиби тўрт йил муддатга тайинланади. У халқаро миқёсдаги таниқли давлат арбоби бўлиши керак. Бош котиб Шимолий Атлантика Кенгаши мажлисларига раислик қилади ва ташкилот фаолиятини Халқаро котибият ёрдамида бошқаради.

(Давоми бор).

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Иброҳим НОРМАТОВ.
Тошкент — Брюссель — Тошкент.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ТЕНГЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ — ДЕМОКРАТИЯ КАФОЛАТИ

ЎзХДП Фуқарат туман ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган йиллардаги партия ташкилоти фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Туман партия кенгаши биринчи котиби И.Низомов кейинги йилларда партия аъзолари сафининг ўсиши, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти кўламининг кенгайиши, партия нашрларига обуна ташкил этиш борасидаги ишлар хусусида гапирар экан, партиявий ишда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам очиқ айтиб ўтди. Партия ташкилоти халқ депутатлари туман Кенгашидаги ўз депутатлар гуруҳи орқали туман ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга ўзининг сезиларли таъсирини ўтказмоқда.

— Шуни таъкидлаш лозимки, — деди сўзга чиққан конференция делегати, 20-мактаб директори Э.Жўраева, — туман кенгашида 30 нафар депутатнинг 16 нафари ХДПдан сайланган. Умуман олганда эса туман кенгашида 28 нафар депутат ХДП аъзосидир. Бу катта куч. Бироқ фаолиятда камчиликлар ҳам оз эмас. Айрим депутатлар гуруҳ йиғилишларига кам қатнашадилар.

Музокараларда сўзга чиққан «Кўқон» ширкат хўжалиги биолаборатория мудираси М.Каримова, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Йўлдошева ва бошқалар партия турмушининг турли соҳалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференция чуқур таҳлил, аниқ таклифлар, жиддий мулоҳазалар билдириш, ўзаро танқид руҳида ўтди. Унда Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби М.Исоқов, Фуқарат тумани ҳокими А.Абдуназаровлар сўзга чиқдилар.

Туман партия кенгашининг ташкилий пленумида И.Низомов ХДП Фуқарат туман кенгаши биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАНҚИДДАН ҚЎРҚМАСЛИК КЕРАК

ЎзХДП Китоб туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида айтилган фикрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. 3 минг аъзо бирлашиб турган бошланғич партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 203 киши сўзга чиқиб, кўплаб танқидий фикрларни, партиянинг янги таҳрирдаги Устави юзасидан айрим мулоҳазаларни баён этдилар.

Конференцияда сўзга чиққан «Камолот» ЁИҲ туман ташкилоти раҳбари О.Овлаев ёшлар билан ишлаш, туман туғруқхонаси бош ҳакими С.Кўчқорова болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, Китоб автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси иқтисодчиси Д.Эшонқулова янги аъзолар қабул қилиш ва бошқа масалалар юзасидан фикр билдиришди. «Партия аъзоси қандай бўлиши керак?» деган саволни қўйган туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Ж.Раҳмонов, Китоб ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти раиси Т.Қодиров партия ташкилотининг айрим ишларидан қониқмаётганликларини таъкидладилар. Конференцияда сўзга чиққан ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби О.Равшанов танқидий мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариш зарурлигини таъкидлаб, олдинда турган сайловларга тайёргарлик борасида гапирди.

С.Қурбонов яна ЎзХДП Китоб туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КУНИГА БАҒИШЛАБ

Эртага Халқаро Олимпиада куни. Бундан роппа-роса 110 йил муқаддам 23 июнда ер куррасининг энг нуфузли мусобақаси — замонавий Олимпия ўйинларига асос солинган эди. Шундан бери бу сана бутун дунё спортсеварлари томонидан кенг нишонлаб келинади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳам бу қутлуғ кунни ҳар йили ўзига хос тарзда байрам қилади. Якшанба куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида Халқаро Олимпиада куни муносабати билан оммавий югуриш мусобақаси уюштирилди. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Nestle» компаниясининг «Sutim» савдо белгиси, «Осиё — ўзбегим шарлари ва гуллари» фирмалари ҳомийлиги ҳамда ҳамкорлигида ўтказилган баҳсларда минг нафардан зиёд ҳамюртимиз қатнашди. Оммавий югуриш мусобақаларида олти ёшдан тўқсон ёшгача бўлганларнинг фаол иштирок этганлиги тадбирга ўзгача файз киритди. Энг муҳими, аҳоли соғлом турмуш тарзига хизмат қилувчи мазкур тадбирда ҳеч ким совғасиз қолмади.

Суратда: оммавий югуриш мусобақаларидан лавҳа.



Дилшод Юсупов (ЎзА) олган сурат

НОМЗОДЛИК МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Европа Иттифоқининг яқинда Брюсселда бўлиб ўтган саммитида унга аъзо 25 давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари Хорватияга мазкур ташкилотга номзод мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Еврокомиссия раиси Романо Проди бу ҳақда журналистларга ахборот берди.

Унинг сўзларига қараганда, келгуси йил бошидан Хорватияни ЕИга қабул қилиш бўйича музокараларга старт берилади.

Хорватия бош вазири Иво Санадер эса Хорватия 2007 йили ЕИга аъзо сифатида қабул қилинишига умид билдирмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Болгария ЕИга аъзо бўлиш бўйича музокараларни белгиланган муддатдан 6 ой аввал, яъни 15 июндаёқ якунлади. 2007 йил 1 январда унинг ЕИга аъзо бўлиши кутилмоқда. Руминия ҳам шу куни аъзо бўлиб киришни мўлжаллаб турибди. Жорий йил декабрда эса ЕИга номзод-мамлакат — Туркия билан музокаралар бошланади.

Македония ҳам аъзоликка қабул қилишларини сўраб ариза берган, дейилади «Новости» ахборотида.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИ

Мисрда чоп этиладиган «Ал-Аҳрам» газетаси маълум қилишича, шу ой охиригача мамлакат ҳукумати истеъфога чиқади. Шундай қилиб, ҳукумат таркиби янгиланади. Кейинчалик Мисрнинг кўпгина музофотларидаги губернаторлар ҳам алмаштирилади.

Мамлакат Президенти Ҳусни Муборак янги таркибдаги ҳукумат олдига қуйидаги вазифаларни қўймоқчи: ҳар йили иқтисодиётда 5 фоиз ўсишга эришиш эвазига халқ фаровонлигини ошириш; нархлар барқарорлигини таъминлаш; соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилишини яхшилаш; иқтисодий қайта қуришнинг асоси бўлган экспортни ҳамда мамлакатга валюта киришини жонлантирадиган сайёҳлик тизимига кўмак бериш ва ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги ва саноатни такомиллаштириш; янги шаҳарлар бунёд этиш; ташқи инвестиция кириб келиши ва халқаро шартномалар тузилишига асос бўлувчи ҳар томонлама мақбул ички «иқлим»ни яратиш.

ОПЕК БОШ БИНОСИ КЎЧИРИЛАДИ...МИ?

Ливан бош вазирининг девонхонаси тарқатган хабарларга кўра, Ливан ҳукумати мамлакат бош вазири Рафиқ Харирга нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕКнинг Венадаги штаб-квартирасини Байрутга кўчириш бўйича расмий музокаралар бошлаш вазифасини топширди.

Бундай қарор яқинда мамлакат Президенти Эмил Лахуд бошчилигида ўтган ҳукумат мажлисида қабул қилинди.

Аслида бундай таклиф шу йил 3 июнь куни Байрутда ўтказилган ОПЕКнинг навбатдан ташқари 131-йиғилишида мамлакат вазири томонидан ўртага ташланган эди.

ИРНА агентлигининг маълум қилишича, 1990 йилги уруш давригача Байрут Яқин ва Ўрта Шарқда энг муҳим сиёсий ва иқтисодий марказ ҳисобланган. Масалан, 1968, 1972 йилларда ОПЕКнинг 4 та мажлиси айнан Байрутда ўтказилган.

Бош вазирнинг фикрича, ОПЕК бош биносининг Байрутга кўчирилиши Ливан иқтисодий ҳаётининг кўтарилишига олиб келади.

Бугунги кунда ОПЕКка 11 та давлат аъзо.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ОГОҲЛАНТИРАДИ

БЕНЗИНДАН КЎРА ГАЗ АРЗОН, БИРОҚ...

ЁКИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ҚЎЛБОЛА ЁНИЛҒИ МОСЛАМАЛАРИ ЎРНАТИБ ОЛИШНИНГ ОҒИР ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

Транспорт воситаларининг кўпайиши фуқаролар турмуш даражасининг фаровонлашишига хизмат қилиш билан бирга айрим муаммоларни ҳам вужудга келтирадики, бу бевосита моддий-техник таъминот ҳамда экология билан боғлиқдир.

Айни ёз иссиғида транспорт воситаларидан чиқаётган тутун ва заҳарли газ киши саломатлигига таъсир этмай қолмайди. Ўпка, нафас олиш йўлларини заҳарлайди, турли оғир хасталикларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Автомобиль ёнилғисининг чала ёниши, дудбўроннинг яхши ишламаслиги, тутун тутқич йўқлиги ва бошқа омиллар туфайли нафақат одамлар, балки табиатдаги ўсимликлар, ҳайвонот ва паррандалар жабр кўрадиларки, бу борада жиддий ўйлаш лозим.

Автомобиль ёнилғисининг қулай ва арзонлиги, тежамлилиги хусусида бундан анча йиллар муқаддам мутахассислар роса бош қотиришган ва ниҳоят иқтисодий жиҳатдан бирмунча арзон, экологик жиҳатдан эса тоза суюлтирилган нефть ва сиқилган табиий газ ёнилғисидан фойдаланиш усуллари ўйлаб топилганди. Лекин кўча-куйда ғизиллаб ўтиб турган автотранспорт воситаларининг ҳаммасида ҳам ўрнатилган тартиб-қоидага риоя этиляпти деб бўлмайди. Айримлар бензиндан кўра, анча арзон бўлгани учун ноқонуний равишда ўз автомобилига қўлбола ёнилғи мосламалари, айниқса, газ баллонлари ўрнатиб олмоқдаларки, бу аввало ўзларининг соғлиғи ва ҳатто ҳаёти учун хавф туғдирмоқда. Негаки, баъзи ҳолларда газ баллонларининг портлаб кетиши натижасида одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Яқинда республика миқёсида махсус текширув ўтказилди. Тадбир давомида «ПАЗ-672» русумли 11 Е 4053 давлат рақамли, «КАВЗ-685» русумли, 11 В 3153 давлат рақамли, «КАВЗ-685» русумли, 11 Д 5551 давлат рақамли, «ЛАЗ-695» русумли, 10 V 6381 давлат рақамли автобуслар ҳайдовчилари ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда газ мосламасини ўрнатиб олишганлиги аниқланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, сиқилган табиий газ баллонларини тегишли махсус гувоҳномаси бўлмаган автоустахоналарда ўзбошимчалик билан ўрнатиб олиш мутлақо мумкин эмас.

Аввало, автотранспорт воситаларини сиқилган табиий ёки суюлтирилган нефть, газда ишлашга ўтказишни амалга ошириш учун конструкторлик-техника бюроси (КТБ) «Автосозлаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан техник шартлар ишлаб чиқилганлигини эслатиб қўймоқчимиз. Мазкур техник шартларда автотранспорт воситаларини сиқилган табиий ёки суюлтирилган нефть, газда ишлаш учун қайта жиҳозлаш ишларини фақатгина махсус технологик жиҳозларга ва асбоб-ускуналарга эга бўлган корхона ва ташкилотларда, автотаъмирлаш заводларида амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу ташкилот ва корхоналар қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун ИИВ ЙҲХ Бош бошқармасидан гувоҳномалар олган бўлиши шарт. Қайта жиҳозлаш жараёнида автотранспорт воситаларининг газ баллонлари 19,6 МПа (200 кг/см 2) босим остида синовдан ўтказилиши керак.

Яна шуни қўшимча тарзда айтиб ўтиш лозим, сиқилган табиий газда ишлаш учун қайта жиҳозланган автобус ва микроавтобусларга газ баллонлари салоннинг устки қисмига ўрнатилади. Масалан, «РАФ» русумли микроавтобус, «ПАЗ» русумли автобуслар ва шу турдаги бошқа автобус-микроавтобусларнинг устига ўрнатилган газ баллонлари қизил рангга бўялиши ҳамда атрофи лойиҳада белгиланганича ўралган бўлиши лозим. Атрофи ўралмаган, қизил рангга бўялмаган, лойиҳа ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган, ўзбошимчалик билан уй шароитларида қайта жиҳозланган автобус ва микроавтобуслардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Автотранспорт воситасига газ мосламасини ўрнатиш учун жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳудудларидаги махсус гувоҳномага эга бўлган корхона ва ташкилотларга ариза билан мурожаат этадилар ҳамда ўзларига тегишли автотранспорт воситасини тақдим этадилар. Агар ушбу корхонада тақдим этилган автотранспортни газ ёнилғисига қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлса, ҳеч қандай тўсиқсиз қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Автотранспорт воситаларининг техник ҳужжатларига ўзгартириш киритиш учун тегишли ҳужжатлар берилади ва транспорт воситаси рўйхатга олинган ҳудудий ЙҲХБ томонидан техник ҳужжатларга ўзгартириш киритилади.

Султон МАТҚОБУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ Техника назорати бўлими бошлиғи, милиция полковниги,
Эрали БОЗОРОВ,
шу бўлим катта инспектори, милиция майори.


Спорт

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА — СОҒЛИК ВА ГЎЗАЛЛИКДИР

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди соғлом, ақлли, гўзал, иболи бўлишини хоҳлайди. Шу мақсадда елиб-югуради, фарзанди камолини кўришни орзу қилади. Афсуски, айрим ота-оналар фақат «яхши едириб, яхши кийдириш» ташвиши билан яшайдилар. Энг аввало, болалар соғлиги, жисмоний ва маънавий етуклиги учун кўпроқ қайғуриш кераклигини ўйламайди. Айниқса, қиз болалар тарбияси ўзига хос алоҳида эътиборни талаб этади.

Кузатишлар шуни кўрсатяптики, сўнгги ўн йилда дунёда аёллар шуғулланадиган спорт турлари кўпайиб кетди. Фақат эркакларга хос деб ҳисобланган футбол, бокс, дзюдо, оғир атлетика каби спорт турлари бўйича ҳам аёллар ўртасида халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда. Аммо бу ўринда аёл ва эркак организмининг табиий фарқи ва уларнинг жисмоний имкониятлари инобатга олинмаяпти. Бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Мухбиримиз Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти Анатомия ва биомеханика кафедраси мудири, биология фанлари номзоди Дилбар САФАРОВА билан ана шулар хусусида суҳбатлашди.



— Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан олинган маълумотга кўра, республикамизда спорт билан мунтазам шуғулланувчи аёллар 3431390 нафарни ташкил этади. Бу яхши кўрсаткич, албатта. Аммо шундан 3338 нафари бадиий гимнастика билан, 4848 нафари сузиш билан, 6450 нафари теннис билан шуғулланади, холос. Бошқалари эса спортнинг оғир турлари билан шуғулланаётир. Бу ҳол кишини ўйга толдиради албатта. Нафосат ва латофат соҳибаларининг жисмонан зўриқиши қанчалик кўпол кўринса, шунчалик қалтис ва зиёнли бўлиши ҳам мумкин.

Аёл энг аввало она. Унинг организмига табиий фаолият билан бир вақтда ирсий белгиларни сақлаш ва уларни наслдан наслга ўтказиш каби энг олий хусусият юкланган.

Анатомия нуқтаи назаридан аёл ва эркаклар организми тана қисмлари, ўлчовлари, қуввати ҳамда шакли жиҳатидан фарқланади. Эркаклар танасида суяк ва мускул тўқималари ўзга тўқималарга нисбатан кўпроқ, яъни тана вазнининг эллик фоизини ташкил қилади. Эркаклар организми куч, тезлик ва чидамлилик жиҳатидан аёллар организмидан табиатан устундир. Аёл организми эса эгилувчанлиги, жисмоний кучланишларга мослашиш жараёнининг ларнинг ривожи, тузилиши ва фаолиятига, жумладан, уларнинг наслий имкониятларига ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Шиддат билан бажариладиган ҳаракатлар, урилиш, сакраш, турткилаш каби таъсирлар натижасида ички аъзолар, айниқса кичик тос аъзоларида, бачадон ва унинг пайлари, буйраклар, юрак, ошқозон, диафрагмаларнинг силжиши келиб чиқиши мумкин.

— Хўш, унда аёллар, айниқса, қизлар спортнинг қайси тури билан шуғулланишини тавсия этасиз?

— Донишмандлардан бири «Сиз бизга соғлом оналарни беринг, биз сизга соғлом авлодни тарбиялаб берамиз», деган экан. Дарҳақиқат, миллат саломатлиги оналарга боғлиқ.

Мен қизларга бадиий гимнастика билан шуғулланишни тавсия этаман. Чунки бадиий гимнастика спортнинг энг гўзал ва чиройли турларидан бўлиб, одам организмининг таянч-ҳаракат тизимида, тананинг ҳамма қисмларини пропорционал ривожланишини, инсон қадди-қомати чиройли ва бенуқсон шаклланишини таъминлайди. Шу билан бирга суяк тўқимасига, бўғинлар, ички аъзоларга физиологик меъёрдан ортиқ даражада, уларнинг ўсиш ва шаклланишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Гимнастика организмнинг мослашиш имкониятларини, ҳимоя имкониятларини юқори даражага кўтарганлиги учун, организмнинг турли касалликка чалиниши, касалликка чалинган тақдирда ҳам уни енгиб ва ундан асоратсиз тикланиш имкониятини яратади.

Шунингдек, юқоридаги каби хусусиятлар спортнинг сузиш, енгил атлетика, теннис, волейбол, спорт рақслари ва аэробика турларига ҳам таалуқли бўлиб, аёллар учун хос ва қулайдир. Бир сўз билан айтганда, аёллар спорти нафақат соғликка, балки гўзалликка ҳам хизмат қилиши керак.

Анвар САМАДОВ суҳбатлашди



КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Миллионлаб футбол ишқибозларининг нигоҳи Португалияга қаратилган. Кимлардир байрам қиляпти, кимларнингдир кўзларида ёш. Мусобақанинг биринчи омадсиз жамоаси россияликларнинг энди фақат 2006 йилда бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришдан бошқа иложлари йўқ. Россияликлардан омад юз ўгирганини яна шундан ҳам билса бўладики, уларга ҳаттоки табиий тоғ суви — Hydrolife ҳам ёрдам бера олмади. Атайлаб футбол томоша қилгани Португалияга борган москвалик мухлиса аёл юртдошларининг иккинчи мағлубиятидан сўнг журналистларга интервью берар экан, кўзлари тўла ёш билан «Начора, бу футбол-да», деди. Ҳа, футболда енгилмайдиган жамоанинг ўзи йўқ. Футбол шуниси билан қизиқ-да.



Шундай қилиб эртага «D» гуруҳида ўтказиладиган икки учрашувдан кейин Европа чемпионатининг чорак финалида куч синашиш имкониятига эга бўлган 8 жамоанинг номи аниқланади.

«С» гуруҳида ўтказилган иккинчи тур ўйинлари ҳам мухлислар эътиборида бўлди. Болгария — Дания футболчиларининг қайси бири курашни давом эттиради? Биламизки, данияликлар анойилардан эмас. Хусусан, бу жамоа 1992 йилги чемпионатда ғалаба нашидасини сурган. Ўшанда Дания футболчилари ярим финалда голландларни, финалда эса германияликларни доғда қолдиришган. Бу сафар ҳам уларнинг шаштлари баланд. Дания жамоаси дастлабки ўйинни итальянлар билан ўтказиб, ҳисобни дуранг қилишган. Иккинчи тур баҳсида болгарлар дарвозасини икки марта ишғол этиб, ғалаба қозонишди. Шу гуруҳдаги Италия — Швеция учрашувида дарвозаларга биттадан тўп киритилди — 1:1.

«D» гуруҳида ўтказилган икки учрашувни мухлислар узоқ эслаб юришса керак. Германия жамоаси мураббийи Руди Фёллер билан Латвия футболчилари устози Александр Старковлар шогирдлари кайфияти яхши эканлигини айтган. Учрашувда эса латишлар бундай нуфузли ўйинда илк марта иштирок этишларига қарамай, германияликлар билан бўлган баҳсда ўзларини кўрсатди, десак бўлади. Дарвозабонлар Александр Колинко билан Оливер Кан маҳоратига қойил қолиш керак. Бу ўйинда дарвозаларга бironта ҳам тўп киритилмаган бўлса, Голландия — Чехия учрашувида дарвозалар беш марта ишғол этилди. Учрашув олдидан голландлар мураббийи Дик Адвокат: «қийин гуруҳга тушиб қолдик. Германия билан алоҳида ҳисоб-китобимиз бор. Чехлар саралаш баҳсларида ўзларини кўрсатишди», деса, чехлар устози Карель Брюкнер: «ўйинни яхши бошлаган жамоа ўз имкониятидан унумли фойдаланади, ният камида ярим финал», деган мулоҳазани билдирганди. Учрашувда эса голландияликлар ҳужумга зўр беришди. Аввал Баума ҳисобни очган бўлса, 20-дақиқада Руд Ван Нистелрой голландлар ғалабасини мустаҳкамлади. Орадан уч дақиқа ўтгач, чех Ян Коллер жавоб тўпи киритди. Танаффусдан кейин Милан Барош ҳисобни тенглаштирди. Чехларнинг тезкор ҳаракатлари рақибларини саросимага солиб қўйди. Голландларнинг ўйинлари қовушмай, хатоларга йўл қўйишди. Ҳакам Рой Макойни иккита сариқ карточка билан майдондан четлатди. Голландлар 10 нафар бўлиб ўйнашди. Бундан фойдаланган чехлар 88-дақиқада дарвозани аниқ нишонга олиб, ғалаба қозонди — 2:3.



Бу гуруҳдан яна қайси жамоанинг чорак финалга чиқишини учинчи тур ўйинлари белгилаб беради.

«А» гуруҳида эса саралаш баҳслари якунланди. Учинчи тур учрашувларида Испания — Португалия ҳамда Россия — Греция жамоалари майдонга тушдилар. Россия футболчиларининг бу сафар ҳам омадлари чопмай, икки учрашувда имкониятни бой бергандилар. Сўнгги учрашувда маҳорат кўрсатиб, ўз мухлислари олдида юзларини ёруғ қилиб олишлари зарур эди. Шунинг учун ҳам ҳисобни 2:1 га етказишди. Португалия жамоасининг тақдири ҳам мухлисларни кўпроқ қизиқтирарди. Ҳайтовур майдон эгалари испанлар дарвозасига ягона тўпни киритиб, чорак финалга чиқдилар. Шундай қилиб, ҳозирча Португалия ва Греция жамоаси курашни давом эттирадиган бўлиб турибди. Португалиядан эрта қайтган «турналар» — Россия ва Испания жамоаси футболчилари энди чемпионат ўйинларини уйларида ўтириб томоша қиладилар.

Кеча Хорватия — Англия, Швейцария — Франция жамоалари сўнгги тур ўйинларини ўтказишди. Бугун эса Италия — Болгария, Дания — Швеция жамоалари яшил майдонга чиқадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 765

10111 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.30

2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Республика Кўчмас мулк биржаси биржа савдоларига таклиф этади!
Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси томонидан республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг **душанба, чоршанба, жума кунлари** бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги мулклар қўйилаётганини маълум қиламиз:

1. Андижон вилоятида жойлашган «Хўжаобод кўчма механизациялаштирилган колоннаси» МЧЖнинг давлатга тегишли 55 фоиз улуши.
Бошланғич баҳоси — 28197,0 минг сўм.
2. Андижон вилоятида жойлашган «Жалақудуқ кўчма механизациялаштирилган колоннаси» МЧЖнинг давлатга тегишли 30 фоиз улуши.
Бошланғич баҳоси — 20571,0 минг сўм.
3. Бухоро вилоятида жойлашган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қарашли «Нақшбандий» МЧЖнинг давлатга тегишли 25 фоиз улуши.
Бошланғич баҳоси — 79639,50 минг сўм.
4. Тошкент шаҳрида жойлашган «Shirmoy-Paz» МЧЖнинг давлатга тегишли 25 фоиз улуши.
Бошланғич баҳоси — 13447,3 минг сўм.
5. Тошкент шаҳри «8-Март» кўчаси, 57 манзилда жойлашган, тугатилаётган «Ўзавтосозлаш-ТЭРЗ 8» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 177 турдаги мулклар ва 46 турдаги асбоб-ускуналар.
Бошланғич баҳоси — 7 793 843 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Биржа савдоларида республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

***Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона.*
***Маълумот учун телефонлар:** 136-26-26, 136-28-75.*
***Факс:** 136-06-17, www.rkmb.uz*
Лицензия рақами: 000004

Янги китоблар

«УМР ДАФТАРИ»ГА БИТИЛГАН ҲАЁТ ЙЎЛИ

Отахон журналист Зиёд Есенбоевнинг яқинда нашрдан чиққан **«Умр дафтари» («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2004 йил)** китобида муаллифнинг матбуотга бахшида умр варақларидан лавҳалар ўрин олган. Унда устоз журналистнинг ўз таржимаи ҳоли, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги аскарлик хизматлари, катта ижодий йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, хотиралари, эсдаликлари ва ҳаётида ёркин из қолдирган дамлар — ҳаммаси муфассал акс этган.

Зеро, муаллиф ўз рисоласи муқаддимасида ёзганидек, **«... Одамнинг ёши бир жойга боргач, ортга назар ташлаб, сарҳисоб қилиб, тўғри яшадимми, одамлар мендан розими, ҳаётда ва меҳнат фаолиятимда, инсонлар билан мулоқотда қандай из қолдирдим, дўстларим, шогирдларим ва устозларимни бехосдан ранжитиб қўймадимми, деб ўзидан сўраши, табиий бир ҳол. Шундай кезларда вақт ўтиши билан бир оз сарғайган қоғозларга кўз югуртирасан, хат ва ҳужжатларни қайта-қайта ўқийсан, суратли альбомларни варақлайсан. Улар ҳаётдаги қанчадан-қанча воқеа ва учрашувларнинг, мулоқот ва ёзишмаларнинг тилсиз гувоҳлари, дўст-биродарларнинг меҳр-муҳаббат тўла дил сўзларини ифода этади, ёдга солади.**

...Халқимизда, умид билан дарахт экиб, уни меҳр билан авайлаб парвариш қилиб, ҳам соясидан, ҳам мевасидан баҳраманд бўлган инсон кам бўлмайди, деган нақл бор. Худога шукур, қилган меҳнатларим зое кетмади, мевасини берди...»

Ҳа, китобни варақлаб туриб, устознинг зое кетмаган меҳнатлари, сояси ва мевасини берган боғларини кўз олдингизга келтирасиз. Кўп йиллик нурли ҳаётида қанчадан-қанча ёшларга раҳномалик қилганлигини, муроди — доим одамларга яхшилик соғиниш бўлганлигини рисоладан ўрин олган кўп сонли ижодкорлар — журналистлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг дил сўзларидан билиб оласиз.

Хуллас, айтар сўзимиз: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, ... «Дўстлик» ордени нишондори ва яна қанчадан-қанча нуфузли унвонлару мукофотлар соҳиби, мамлакатимиз миллий журналистикасининг фахрийси Зиёд Есенбоевнинг «Умр дафтари»га битилган катта ҳаёт йўли бугунги ёш ижодкорлар учун ибрат бўлгусидир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Юнус ЗИЁДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН, БИЛАСИЗМИ?

Бундан 86 йил муқаддам, яъни 1918 йил 21 июнда «Ўзбекистон овози» газетасининг илк сони чоп этилганди. Бугун унинг 27250-сони қўлингизда турибди.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ОТАНГ МИРОБ БЎЛСА ҲАМ АРИҚНИ ТОЗАЛАБ СУВ ИЧ

Бобо деҳқонларимизнинг ибратли, олижаноб қадимий одатларидан бири шу эдики, ҳар йили эрта баҳорда катта-ю кичик ҳамма анҳору ариқларнинг лойқа олган, бегона ўт босган, хас-хашак, чўп-чўлан йиғилиб, тўсиқ-тўсиқчалар ҳосил бўлган ерларини бошидан-оёқ тозалаб, қириб, чопиб, кавлаб, сув тиниқ ва равон оқадиган ҳолга келтириб қўядилар. Бу иш зарурий, мажбурий ва хайрли ҳисобланиб, унга ҳамма бараварига ёпишар, катта ҳашар эълон қилинар, муайян анҳору ариқнинг бошидан адоғигача яшаб, деҳқончилик қиладиган аҳолининг «етти яшаридан етмиш яшаригача» қўлига белкурак, кетмон, ўроқ, хаскаш ва ш.к. кўтариб, ишга чиқарди. Ишлашга қурби етмайдиган кексалар, беморлар, эмизикли оналар ва ҳ.к. хашарга қўшила олмаганлари учун уэр сўраб, баҳоли қудрат бирор нима билан ёрдам беришга ҳаракат қилишарди, жуда бўлмаганда хашарчиларга овқат пишириб, нон ёпиб чиқазардилар. Кишилар бу зарур ва хайрли ишдан ўзини четга тортадиган дангаса, айёр, муғомбир, амалига ё бойлигига ишониб, бундай «қора» ишни ўзига эп кўрмайдиган, бўйни ёр бермайдиган одамларни асло ёқтирмасдилар, юзхотир қилиб ўтирмай, айтадиганларини дангал бетига айтардилар, ҳатто койиб, уришиб, сўкиб ташлардилар. Юқоридаги мақол билан: «Отанг агар мироббоши бўлса ҳам, унинг амалига орқа қилиб, ҳашарга чиқмай ўтирмагин-да, эл қатори ишла, тер тўк, ичадиган, экинингни суғорадиган сувингни бемаҳнат ичма, «ҳалоллаб» ич! демоқчи бўлганлар.

ОТ ТЕПКИСИНИ ОТ КЎТАРАДИ

«От тепкисини от кўтаради, той тепкисини той кўтаради»; «От тепкиси отга ўтмас». Бу мақолларнинг мажозий маъноси шундай; «Тенгқурлар, дўстлар бир-бирининг қаттиқ-қурум гапларини кўтарадилар (ёхуд кўтаришлари керак)».

«SAVDOENERGO» ОАЖга Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ижроия Маҳкамаси Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1995 йилда берилган ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi» очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2004 йил 22,29 июль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманида жойлашган 8-сонли контейнерли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (8-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 11 840,3 АҚШ доллари

Қашқадарё вилояти, Нишон туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (12-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 18 900 АҚШ доллари

Наманган вилояти, Норин туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (12-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 16 590 АҚШ доллари

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (17-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 17 811,26 АҚШ доллари

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840704265383001, КОД-00425, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Имкониятингизни бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 8-хона.


Маълумот учун телефонлар: 136-28-75, 133-25-21. Факс: 136-06-17

Веб сайт: www.rkmb.uz

Лицензия рақами: 000004

✧✧✧

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 19 июндаги №02/10-1165-сонли хатига асосан «Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 22 майдаги 62(27.237)-сонида берилган 2004 йил 24 июнь, 1 июль кунлари ўтказиладиган фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан танлов савдосига қўйилган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тизимидаги Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, А.Навоий кўчаси, 26-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси 25 522 000 сўм бўлган «Газ тўлдириш шахобчаси» давлат корхонаси (мулкий мажмуаси) савдолардан олинганлигини маълум қиламиз.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Товар сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru